O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 11 июнь сешанба

Сотувда эркин нархда № 122 (2950)

ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 6-7 июнь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган саммитида иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ўтган йилнинг июнь ойида асос солинган эди. Ўшангача "Шанхай бешлиги" деб аталиб келган бу тузилма Ўзбекистон қўшилиши билан ўз фаолияти қамровини кенгайтирди.

Санкт-Петербург саммитида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусига мўлжалланган режалар муҳокама этилди. Табиийки, бу саммитнинг асосий натижаси ташкилотнинг Хартияси қабул қилинганидир. У халқаро муносабатлар тизимида пайдо бўлган янги ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди. Хартия имзоланиши билан ШҲТ доирасидаги ташкилий-ҳуқуқий ишлар ниҳоясига етказилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузишдан кўзланган асосий мақсад қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, уларнинг хавфсизлик соҳасида, иқтисодий ва ижтимоий жабҳалардаги ҳамкорлиги равнақ топиши учун қулай шарт-шароит яратиш ва янги имкониятлар очишдан иборат эди. Бугунги кунда ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларини хавфсизлик ва иқтисодий масалалар ташкил этмоқда. Зотан, бу икки омил бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Хавфсизлик масаласини оладиган бўлсак, ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият бу борада янгича ёндашувга эҳтиёж сезаётганини илғаш қийин эмас. Бу ёндашув ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига таяниши керак. ШҲТ ана шундай ёндашув, хавфсизликнинг янги концепциясини юзага келтирди, десак, янглишмаймиз. Ўтган йили 15 июнь куни имзоланган Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси қаторига Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги битим қўшилди.

ШҲТ тузилганига энди бир йил бўлди. Лекин бу вақт давомида дунё кескин ўзгаришларни бошдан кечирди. Хавфсизликни таъминлаш учун барча давлатлар ҳамжиҳат ҳаракат қилиши лозимлиги бутун дунёда эътироф этилди. Лекин бу ҳамкорлик фақат ҳарбийлашган соҳалар бўйича қарор топтирилса, кутилган натижага эришиш қийин. Дунё мамлакатлари кенг кўламли ҳамкорликни вужудга келтириши керак. Қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчилик, айирмачилик каби очиқ иллатлар қаторида, қашшоқлик, ишсизлик, саводсизлик, ирқий, этник ва диний камситишлар сингари баъзида кўзга яққол ташланмайдиган муаммоларга қарши ҳам курашиш лозим. Зеро, хавфсизликка таҳдид айни шундай муаммолар негизида пайдо бўлади. Ишсиз, қашшоқ, дунёқараши ва тафаккур доираси тор бўлган одамларгина ўзгаларнинг макрига осон илинади. Бир сўз билан айтганда, Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, террор ва зўравонликнинг ижтимоий асосларини бартараф қилмоқ лозим.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигини мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга келишиб олди. Саммит қатнашчилари террор ва зўравонликнинг олдини олиш учун қинғир йўллар билан топилган пулларнинг қонунийлаштирилишига қарши курашиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов хавфсизлик масаласига тўхталар экан, бу борада Афғонистондаги вазият муҳим ўрин тутишини таъкидлади. У ердаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етган бўлса-да, ҳали вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш қийин. Мамлакатда кўп миқдорда қурол-яроғ тўпланиб қолган. У яна бошқа одамлар қўлига тушмаслиги учун ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўнглаш лозим. Бунинг учун кенг кўламли хорижий ёрдам керак бўлади. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, одамларни иш билан таъминлаш ва шу орқали тинч ҳаётга қайтариш учун ҳали анча вақт ва кўп меҳнат талаб қилинади. Марказий Осиёнинг хавфсизлиги бевосита Афғонистондаги вазиятга боғлиқ бўлгани сабабли, ШҲТ аъзолари бу мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий тикланиш жараёнларига кўрсатилаётган ёрдамни янада кўпайтириш борасида бир-бири билан ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олди.

Ислом Каримов ШҲТ фаолиятида аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама рағбатлантириш асосий вазифалардан бири бўлиши лозимлигини таъкидлади. Савдо ривожланиши ва сармоя фаол ҳаракатда бўлиши учун қулай шарт-шароит яратиш, кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш борасидаги мулоқотларни кўпайтириш зарурлигини қайд этди. Саммит қатнашчилари транспорт коммуникациялари ва энергетика иншоотларини барпо этиш, сувдан фойдаланиш, энергия заҳираларини қазиб олиш ва ташишга оид масалаларни муҳокама қилар экан, ушбу соҳалар бўйича истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда белгилаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.

Учрашувлар давомида қайд этилганидек, хавфсизлик ва савдо-иқтисодий масалалардаги ҳамкорлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хавфсизлик борасидаги алоқалар иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантирса, иқтисодий ҳамкорлик хавфсизлик борасидаги алоқаларни рағбатлантиради.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли Владимир Владимирович.

Муҳтарам давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари.

Аввало, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити иштирокчиларини қутлаб, ушбу анжуманда иштирок этаётган барча давлат раҳбарларига ўзимнинг самимий эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Владимир Владимирович Путинга меҳмондўстлиги, самимияти ҳамда Россия ва Европа маданияти тарихида ўзига хос ўринга эга ажойиб Санкт-Петербург шаҳрида ўтаётган бу галги саммит юқори даражада ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Шанхайда мазкур ташкилотимиз таъсис этилганидан буён ўтган бир йил мобайнида дунё ҳамжамияти ўз тараққиётининг фавқулодда мураккаб ва масъулиятли даврини бошдан кечирди. Бу давр фундаментал муаммолар ва халқаро хавфсизликка таҳдид, биринчи галда, сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликка энг кўп даражада хавф солаётган халқаро террорчилик таҳдидига тўқнаш келаётган сифат жиҳатдан янги дунё тартиботи билан тавсифланади.

Яқин ўтмишимиз воқеалари ва далиллари барчамиз эътиборга олишимиз лозим бўлган яна бир аччиқ ҳақиқатни намоён этди: нечоғлик мукаммал қурол ёки қудратли ва замонавий ядро-ракета воситаларига эга бўлмасин, дунёнинг ҳеч бир мамлакати бугунги кунда ўзини ушбу даҳшатли таҳциддан холи деб ҳисоблай олмайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина халқаро ҳамжамият инсониятга хавф солувчи тобора кучайиб бораётган ана шу таҳциддан халос бўла олади.

Шу муносабат билан биз Россия-Америка саммити натижаларини ва Москва шаҳрида имзоланган ҳужжатларни ҳамда Россия билан НАТО ўртасида сифат жиҳатдан янги муносабатлар тўғрисидаги Рим декларациясини қўллаб-қувватлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Эришилган келишувлар, бизнинг фикримизча, вужудга келаётган халқаро вазиятни оқилона ва тўғри баҳолаш натижаси бўлиб, ҳеч шубҳасиз, янги, ўзаро ишончга ҳамда бутун дунёдаги хавфсизликка асосланган концепция ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бу галги саммитининг аҳамияти, энг аввало, ниҳоятда муҳим ҳужжатлар — Хартия, Декларация ва Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисида битим имзоланиши билан белгиланади.

ШҲТнинг асосий ҳужжатлари бўлган Хартия ва сиёсий Декларация ташкилотнинг ўзи ва айни пайтда унинг асосида тузилиши мумкин бўлган барча тузилмаларнинг кенг кўламли фаолияти учун зарур асос яратади ҳамда халқаро ва давлатлараро алоқалар тизимида унинг ўрнини белгилайди.

Ўзбекистон ШҲТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларини; гуманитар соҳада, ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидаги кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Ҳеч шубҳасиз, ШҲТнинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ва тамойилларининг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади.

Шу муносабат билан юқорида қайд этилган ҳужжатларда ШҲТнинг блок ёки ёпиқ турдаги бирлашма эмаслиги, унинг очиқлиги, дунёнинг барча давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ кенг кўламли амалий мулоқот ва ҳамкорликка тайёрлиги кўзда тутилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Биз ҳар бир давлатнинг ва бутун Марказий Осиё минтақасининг суръатли, олға интилувчи ва барқарор тараққиётини қўллаб-қувватловчи барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлишимиз, бу ерда геосиёсий рақобат ва зиддиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Биз шу йилнинг май ойида Россия ва АҚШ президентлари томонидан имзоланган Қўшма декларациядаги ушбу баёнотни қўллаб-қувватлаймиз: "Биз Марказий Осиёда ва Жанубий Кавказда барқарорликни, минтақадаги ҳар бир давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканлигимизни тан оламиз. Россия билан АҚШ "буюк давлатлар" рақобатининг ўзини оқламаган моделидан воз кечади, зеро бу йўл мазкур минтақадаги вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин".

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Имкониятдан фойдаланиб, минтақамиз хавфсизлигига бевосита дахлдор бўлган, жумладан, афғон можароси масалалари хусусидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Ўзбекистонда доим, каттами-кичикми, қўшнини танлаб бўлмайди, деган нақлга амал қилиб келинган. Демак, улар билан дўстона, иноқ, баҳамжиҳат ва тотув яшаш, уларнинг миллий қадриятлари ҳамда манфаатларини ҳурмат қилиш лозим. Бизнинг Афғонистонга нисбатан асосий ёндашувимиз ҳам ана шундай.

Тан олиш керакки, аксилтеррор ҳаракатларнинг асосий ҳарбий босқичи якунланиб, Афғонистонда террорчилик инфратузилмаси амалда яксон этилганига қарамай, бу ерда вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш мушкул. Ҳарбий-сиёсий кучларнинг қайта гуруҳланиши, террорчиларнинг вақтинча яшириниб олган тўдаларининг фаоллашуви ва маълум бир кучлар томонидан Афғонистон ичидаги турли гуруҳлар ўртасида кенг кўламли уруш ҳаракатлари келтириб чиқарилиши эҳтимолини инкор этиб бўлмайди.

Бунинг устига, Афғонистонда уруш йиллари давомида тўпланиб қолган катта миқдордаги ҳарбий техника, қурол-аслаҳа, мина ва жанговар ўқлар сақланиб турибди. Ушбу вайрон келтирувчи кучни йўқ қилиш ёки сотиб олиш йўли билан бартараф этиш халқаро ҳамжамият олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Биз аминмизки, қуролсизлантириш — Афғонистондаги аҳволни барқарорлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Афғонистонда наркотрафик кўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида хавф туғдирмоқда. Афсуски, кўп бора баёнотлар берилганига қарамай, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бу офатга қарши курашдан манфаатдор бўлган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини бирлаштира оладиган мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқишга уринишлар ҳали кузатилмаяпти.

Бу балога қарши фақат жазо ва маъмурий чораларни кучайтириш, гиёҳванд моддалар етиштириладиган худуд атрофида "хавфсизлик минтақаси" деб аталувчи зоналар ташкил этиш орқалигина эмас, балки, биринчи навбатда, Афғонистон иқтисодиётида туб тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳолини бунёдкор меҳнат билан шуғулланишини таъминлаш воситасида курашиш керак.

(Давоми 2-бетда).

«Галла—2002»

Президент табригидан руҳланиб

РЕЖАГА ҚЎШИМЧА 100 ТОННА!

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари ғаллакорларига йўллаган табриги барча сўрхондарёликлар каби бизни ҳам руҳлантириб юборди, кайфиятимизни кўтариб, қучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди. Бунинг самараси кўзга яққол ташланмоқда. Ғаллакорларимиз бир ҳафта ичида 470 гектар майдондан 1600 тоннадан ортиқ дон йиғиштириб олиб, бу борадаги шартномавий режани ошириб бажардилар. Унинг 1100 тоннаси давлатга сотилди. Эришилган ютуққа, айниқса, Барно Хиллаева, Жовмурод Ойтуганов, Ҳусан Дўсов, Дилфуза Мухторова бошлиқ оилавий пудратчилар баракали улуш қўшдилар. Айни шу пудратчилар ҳар гектар ердан ўртача 60 центнердан хирмон уйдилар.

Ҳали ҳосилнинг бир қисми далада турибди. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, яна 400 тонна уруғлик ғалла жамғариш, режага қўшимча 100 тонна сара дон топшириш юзасидан мажбурият қабул қилдик. Бу марра ҳам, албатта, эгалланади.

Жолмурод ЁРМАТОВ,
Термиз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби.

Хушхабарлар

ПОПНИНГ ОЛТИН ДАЛАСИ

Поп тумани ғаллакорлари ўрим-йиғимда Наманган вилоятида пешқадамлик қилмоқдалар. Бугун туман ғаллазорларида 30 дан зиёд қудратли «Кейс» комбайнлари тўла қувватда ишлаб турибди. Улар кучи билан кунига 2800-3000 тонна ғалла йиғиштириб олиниб, давлат қабул пунктларига етказиб берилмоқда. Бу йиллик режанинг 14-15 фоизига тўғри келади.

Хўжаликлар бирин-кетин ғалаба манзилига етиб келмоқдалар. Кеча бир йўла беш хўжалик — «Навбаҳор», «Найман», Беруний номли, «Ўзбекистон» ва Чоркесар» хўжаликлари давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини бажарган бўлсалар, бугун катта карвон «Сирдарё», «Водий», «Наврўз» хўжаликлари меҳнат зафарномасига имзо чекадилар.

Ҳосилнинг чиқиши меҳнатга яраша бўлаяпти. Бўз шўрхок майдонларда ғалла етиштирган «Найман» ширкат хўжалиги ғаллакорлари гектаридан 47 центнердан 2000 тонна ҳосил йиғиштириб олиб, ишлаб чиқариш режасини-да ошириб бажаришди. Ўтган йилгидан қарийб минг тонна ҳосил кўп етиштирилди. «Сирдарё», «Водий» хўжаликларида ҳам ҳар гектар ғаллазор ҳосилдорлиги 45-50 центнерданни ташкил этмоқда.

— Бугун-эрта 21630 тонналик давлат шартнома режасини ошириб бажарамиз, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиги Шарифжон Юсупов. — Аммо мўлжалимиз камида 45 минг тонна ҳосил етиштириш.

Ортиқали НОМОЗОВ,
«Поп тонги» газетаси муҳаррири.

ИККИ ИШ КУНИДА

Учқўприк туманидаги чўл ерларда деҳқончилик қилаётган Ф. Шамсиддинов номли ширкат хўжалиги ғаллакорлари вилоят хўжаликлари орасида биринчилардан бўлиб, давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини ошириб бажардилар. 170 гектар ерга бошоқли дон экиб, меҳнат қилган деҳқонлар қабул омборларига режадаги 342,8 тонна ўрнига 362 тоннага яқин сара дон топширишди. Режа икки иш кунида бажарилди.

Бу муваффақиятни қўлга киритишда бош пудратчилар Рустамжон Ўтбосаров, Муҳаррамой Аҳмедова, Бахтиёржон Юсупов, оилавий ижарачилардан Раҳматжон Холиқов, Ҳасанбой Умрзоқов, Кенжабой Қирғизбоев кабиларнинг ҳиссалари катта. Бу жамоаларда чўл ерлардан 45-47 центнердан дон етиштиришга муваффақ бўлинди.

Хўжаликда дон ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

Ғ. КАРИМОВ,
Учқўприк тумани «Янги Фарғона» газетаси муҳаррири.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йилнинг II чорагида нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида", "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур"да ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури"да қўйилган вазифаларнинг республика миқёсида бажарилиши каби масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Марказий банк раиси, мазкур комиссия раиси Файзулла Муллажонов бошқарди. Қайд этилдики, 2002 йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда пул тизими янада мустаҳкамланди, нақд пул эмиссиясига умуман йўл қўйилмади, аксинча муомаладан нақд пул олишга эришилди. Шунингдек, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ҳам муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга республикамизнинг айрим минтақаларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида маҳаллий бозорларни зарур халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлиги оқибатида нақд пул эмиссияси ҳамон юқори даражада қолаётганлиги қайд этилди. Мажлисда мазкур ҳудудлар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Уларнинг зиммасига барча шаҳар ва туманларда нақд пул эмиссияси даражасини босқичма-босқич камайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тегишли қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан 2002 йил 11 апрелда тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури" талабларини оғишмай бажариш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, мажлисда Қашқадарё вилояти пул-кредит сиёсати комиссиясининг ўтган даврдаги фаолияти якунлари кўриб чиқилди. Таъкидландики, ўтган давр мобайнида ҳудудий комиссия ишида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, вилоятнинг Қарши шаҳрида, Яккабоғ, Муборак ва Касби туманларида нақд пул эмиссияси даражаси юқорилигига қарамасдан ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан ушбу туманларда мазкур кўрсаткични пасайтириш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаган. Юқоридаги туманларда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маиший ва пулли хизматлар кўрсатиш даражаси вилоят кўрсаткичларидан анча паст.

Ушбу масалалар юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари — ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси раиси Ш.Назаров, Қарши шаҳри ҳокими ўринбосари Н.Остонов ва Яккабоғ тумани ҳокими ўринбосари Ш.Эшматовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси раиси Ш.Назаров зиммасига юқоридаги шаҳар ва туманлар пул-кредит сиёсати комиссиялари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, йўл қўйилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул муомаласини мустаҳкамлашга доир қарорлари ва тегишли дастурларининг оғишмай бажарилиши устидан талабчанликни янада ошириш вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда Афғонистон жиддий қарорлар қабул қилиш арафасида турибди. Ушбу қарорлар яқинда бўлиб ўтадиган Лойя Жирғада ишлаб чиқилади ва кенг кўламли вакиллик ҳукумати шакллантирилади. Мамлакатнинг келажакда қайси йўлдан бориши ва унда қандай ижтимоий-сиёсий тизим ва давлат тузуми ўрнатилиши Лойя Жирғанинг нечоғлик муваффақиятли ўтишига боғлиқ. Бизнинг минтақамиздаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ бўлади.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуини кўриб чиқар эканмиз, биз ҳамкорлигимизнинг иқтисодий жиҳатларини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки мамлакатларимизнинг тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари одимлаши кўпқиррали иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиёт эвазига таъминланиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг ниҳоятда бой заҳиралари, илмий-интеллектуал салоҳиятининг Россия ва Хитой салоҳияти ҳамда иқтисодий ва технологик имкониятлари билан қўшилиши, назаримизда, муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни самарали амалга ошириш, савдо-сотиқ, инвестиция ва бошқа соҳалардаги ШҲТнинг барча иштирокчилари манфаатларини кўзловчи ҳамкорлик янада ривожланишига хизмат қилади.

Ҳамкорлигимизга оид биринчи навбатдаги муаммолар қаторида маъданли-хомашё заҳираларидан оқилона фойдаланиш, энергетиканинг мутаносиб инфратузилмасини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби бошқа кўплаб масалалар борки, ҳар бир мамлакатнинг, умуман олганда, бутун минтақанинг барқарор ва жадал тараққиёти улар ечимига боғлиқдир.

ШҲТнинг ушбу барча мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очиқ, омилкор ва самарали ташкилотга айлантириш ниҳоятда муҳимдир. Саъй-ҳаракатларни совурмай, аксинча ҳамкорликнинг "Шанхай жараёни" қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос бўлган асосий масалаларига сафарбар этиш зарур.

ШҲТ тузилмаларини институциявий ва ташкилий жиҳатдан шакллантириш жараёнларини тезлаштириш хусусида, жумладан, Котибият ишини ташкил этиш ва аксилтерор гуруҳи фаолиятини жадаллаштириш борасида билдирилган айрим таклифларга келсак, ўйлайманки, бу масалалар белгиланган тартибда, барча зарур ҳуқуқий меъёрларга изчил риоя қилинган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бу масалалар муҳокамасини тегишли ваколатга эга бўлган миллий мувофиқлаштирувчиларга топшириш даркор.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бугунги учрашувнинг жуда муҳим бир жиҳати — муносабатлардаги ҳурмат-эътибор, ўзаро ишонч ва ҳамфикрлик ҳамда барча томонлар нуқтаи назари инобатга олинганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бундай ёндашув, шубҳасиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун ташаккур.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини савдо-иқтисодий алоқалар ташкил этади. Товарлар, хизматлар ҳамда сармоя оқими фаол бўлган мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади. Бу эса, муайян минтақада барқарор хавфсизлик таъминланишига олиб келади. Иккинчи томондан, хавфсизлик борасида яқин ҳамкорлик қилувчи мамлакатлар бир-бирининг ҳудудидаги вазиятни яхши билади ва иқтисодий соҳада ҳам, аввало, бир-бири билан шериклик қилишни афзал топади. Бинобарин, бугун ШҲТ минтақасини, стратегик нуқтаи назардан, улкан хавфсизлик зонаси ва иқтисодий интеграция ривожи учун катта имкониятлар мавжуд бўлган макон, деб аташ мумкин.

Яна бир муҳим жиҳатни қайд этиб ўтиш даркор. Санкт-Петербург саммитида давлат раҳбарларининг Декларациясига ҳам имзо чекилди. Унда ШҲТ ҳарбий блок ёки ёпиқ алянс эмаслиги, бошқа мамлакат ё давлатлар гуруҳига қарши қўйилмагани алоҳида банд билан қайд этилди. ШҲТ бошқа ташкилотлар ва мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос ҳолда, кенг кўламли ҳамкорлик қилиши, янги аъзолар ҳисобига сафини кенгайтириши мумкин. Яъни, у халқаро муносабатлар тизимида демократия, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган ҳолда иш юритади. Шу боис ҳозирданоқ айрим давлатлар ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини маъқул топиб, унга қўшилиш истагини билдирмоқда.

Шунингдек, Декларацияда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзолари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаши ҳам алоҳида қайд этилган. Бу эса мамлакатимиз раҳбарияти юритаётган тинчликпарвар сиёсатнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг афзалликлари бу билан тугамайди. У чегарадош ҳудудларда вазиятни барқарорлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бой тажрибага эга. Глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган бугунги кунда эса, кенг кўламли халқаро ҳамкорликсиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш мушкул. Давлатлар қўшни танламайди. Демак, қўшнилар билан келишиб, ҳамжиҳатликда иш юритиш лозим. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ана шу инкор этиб бўлмас ҳақиқатни рўёбга чиқармоқда.

Санкт-Петербургда Президент Ислом Каримов Россия, Хитой ва Тожикистон раҳбарлари билан учрашди.

Маълумки, Россия Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шериги саналади. Мамлакатимиз ташқи савдосида Россиянинг улуши 23 фоизни ташкил қилади. Владимир Путин билан бўлган учрашувда икки томонлама савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларига етаётгани мамнуният билан таъкидланди, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР раиси Цзян Цзэмин билан ўтказилган мулоқотнинг асосий мавзуини ҳам савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалар ташкил этди. Томонлар транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Каримовнинг Имомали Раҳмонов билан музокараларида Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик, Афғонистондаги вазият ҳамда Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, Санкт-Петербургда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳуқуқий асоси дунё юзини кўрди. Таъкидламоқ жоизки, учрашувларда Ислом Каримов "Шанхай жараёни", Цзян Цзэмин эса "Шанхай бурчи" деган янги атамаларни тилга олди. Бу аъзо мамлакатлар ташкилотни ҳар томонлама ривожлантиришга қатъий бел боғлаганидан дарак беради.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

КЕЧАГИ КУН САБОҒИ

сессияда қўйилган саволлар

Борликда неки бор, ўз мувозанат нуқтасига эга. Оддий гиёҳ ҳам, ҳатто тош, кесак ҳам ана шу нуқтасиз тик туролмасди. Инсонни эса мувозанат нуқтаси — иймон-эътиқод, бурч, адолат доим улуғлаб келаётир.

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши сессиясида Юртбошимиз нутқини тингларканман, вилоятда ана шу мувозанатнинг нуқталарига дарз кетганига ишонч ҳосил қилдим. Давр талабидан орқада қолган, янгича фикрлаб, янгича ишлашни ўрганолмаган, аравани тортолмайдиган айрим раҳбарларнинг айби билан кўплаб нуқсонлар газаклаганини сездим. Ислоҳотлар талабини пайқамаслик, ношудлик қандай оқибатларга етаклаганини яққол ҳис этдим.

*Юртбошимиз вилоятни Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси деганда ёнимда ўтирган кишининг қанчалик ғурурланганини билсангиз эди. Оллоҳнинг назари тушган ана шу тупроқни кўзга тўтиё айлаб каттакатта бунёдкорликларга қўл ураётганлар сон-саноқсиз.Аммо нутқни берилиб тингларканман, гапнинг очиғи, бир мен эмас, ҳар бир оддий навоийлик нега шу қўйга тушдик, деган саволга жавоб изларди. Бунда мен, сиз, ҳаммамиз айбдормиз деган туғён қалбларга тинчлик бермагани аниқ. Хўш, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган вилоят нега давр талабига ҳамоҳанг одимламаяпти? Президентимиз аниқ жавобни айтди: **«Ишга катта салбий таъсир кўрсатиб, тўсиқ бўлиб турган масалалардан энг асосийси вилоятда ўтирган мутасадди раҳбарларнинг... ўз вазифасига совуққонлик билан қарашидир».** Аниқ, очиқ, лўнда фикр. Қайси бир соҳага назар ташламанг, бирор нуқсонни сезасиз, қайси идорага бош сукманг, муаммосини ҳал этолмай юрганларга дуч келасиз.*

Аслида мавжуд камчилик ва нуқсонлар бугун пайдо бўлгани ҳам йўқ. Уларнинг бари ўша мувозанат нуқталарининг силкиниши натижаси эмасми? Ахир, қуйинмай, ачинмай бўладими, биров 5-10 сотих ер ҳисобидан рўзғорини тебратиб турса-ю, бу ёқда 2 минг 57 гектар ер экинсиз қолиб кетса. Бунинг устига 1 минг 828 гектар ер ҳисобдан яширилса. Анчагина гектардаги чигит экилган майдондан бир центнер ҳам ҳосил олинмаганига нима дейсиз. Ҳосилдорликнинг пасайиб кетиш сабаби нимада? Ишни ташкил эта билмаслик, одамларнинг бошини қовуштириб янги уфқларга сафарбар этолмаслик натижаси эмасми? Ёки деҳқон меҳнатини рағбатлантириш, пахта етиштириш шартномасини бажарган оилавий пудратчиларга берилиши лозим бўлган ёғ, кунжара, шелухани келтириб тарқатиш шунчалик мушкулми? Кўриб турганингиздек, биргина қишлоқ хўжалигида шунча камчилик.

Сессияда Юртбошимиз Қизилтепа тумани ҳокими Ш. Набиевдан нега қишлоқ хўжалик соҳаси раҳбарлари тез-тез алмаштирилаяпти деб сўраб, жўяли жавоб ололмади. Нега? Сабаби аниқ: аксарият кадрлар таниш-билишчилик орқали лавозим курсисини эгаллайди, орадан сал ўтмай жамоани қолоқлик гирдоби қоплайди, аҳилликка путур етади, ёзишмалар бошланади. Қарайдики, ўша «чертиб-чертиб» танланган кадр ишни эплай олмаяпти. Шундаям у ишдан бўшатилмайди, балки бошқа бир «ширалироқ» курсига элтиб қўйилаверади. Буни сезган ҳар қандай кишида раҳбарларга нисбатан ишончсизлик кайфияти пайдо бўлади.

Сессияда Навоий туман хотин-қизлар кенгаши раиси — ҳоким ўринбосари Жумагул Ражабовадан аёллар муаммолари, ишсизликни бартараф этишнинг бориши ҳақида сўралганида ҳамма янада хушёрроқ тортди. Чунки бу борада ҳам вилоятда бирор арзигулик ютуққа эришилгани йўқ. Ўтган йили бандлик хизмати идораларига иш сўраб мурожаат қилганларнинг 8 минг нафари бекорлигича қолаверган. Янги иш ўринлари очиш жуда суст. Шундай ниятда кредит сўраб юрганлар оз эмас. Чўл ҳудудида хотин-қизлар муаммолари қалашиб ётибди. Даволаш муассасаларининг бугунги аҳволи кўпчиликни қониқтирмайди.

Вилоятда 375 та мактаб бор. Қаранг-а, уларнинг 238 тасида дарслар икки сменада, 4 тасида эса уч сменада олиб борилар экан. Кузатишларимдан биламанки, кейинги пайтда мактабларга эътибор камайди. Вилоят ҳокимлигининг «Мактаблар куни»ни ўтказиш, таълим-тарбия ўчоқларига амалий ёрдам уюштириш, қурилиш тўғрисидаги қарори қоғозда қолиб кетди. Фанлар бўйича ўқитувчига ёлчимаётган мактабдан билимдон ўқувчи чиқармиди? Шу ўринда Юртбошимиздан битирувчиларнинг билим савияси бўйича мамлакатда энг қуйи ўринда туришини эшитиш қанчалик оғир. Бундан шахсан Президентнинг ўзлари қаттиқ ташвишланаётганини эшитиш ундан ҳам оғир.

Сессияда ўнлаб масалалар, муаммолар тилга олинди. Уларнинг ечилиши юрт истиқболи, одамлар турмуши фаровонлиги билан боғлиқ. Демак, кечаги кундан сабоқ олиш, йўл қўйилган хато-камчиликларни тезроқ тузатиш муҳим. Бунинг учун ақл билан, адолат билан иш кўриш мақсадни тезлаштиради. Халқни боқиш, кийинтириш йўлида ҳамжиҳатлик, аҳиллик, иймон-эътиқод ҳамроҳ бўлган жойда мувозанат нуқталари мустаҳкамланаверади. Демак, халқ депутатлари, катта-кичик раҳбарлар бир бўлиб олдинга қўйилган катта вазифаларни уддалашлари, фидойилик билан меҳнат қилишлари зарур. Айнан шу руҳ сессия қатнашчилари сўзларида анжуманга муносабат билдираётган ҳар бир инсон, навоийликман деган оддий фуқаро фикрларида яққол сезилиб турибди. Энг муҳими, одамлардаги келажакка ишонч сессиядан кейин янада мустаҳкамлангани ҳар қадамда кўриниб турибди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ АФИРАТО МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Май ойининг охирида Пекинда ўтказилган Осиё ва Тинч Океанининг тараққиёт молия институтлари (АФИРАТО) Ассоциацияси Бош ассамблеясида ҳамда 25-конференциясида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки "Технологиялар тараққиёти" номинациясида ўзи илгари сурган "Мижозларга масофавий электрон хизмат кўрсатиш" (банк-мижоз) деб номланган маҳсулоти учун голиб деб топилди.

ЎзАнинг Ўзбекистон Миллий банки матбуот марказидан олган хабарига кўра, банк 2000 йилда "банк-мижоз" тизимини татбиқ қилишга киришган эди. Ушбу тизим web-технологияларга асосланган бўлиб, Интернет тармоғида кенг қўлланиладиган ўзига хос тизимдир. Бугунги кунда Миллий банкнинг республикамизнинг тўққизта вилоятидаги 18 та бўлими масофали банк хизматини таклиф этади, бу тизим хизматларидан 100 дан ортиқ мижоз фойдаланмоқда.

АФИРАТО 1976 йилда Осиё тараққиёт банки шаъфелигида ташкил этилган бўлиб, банклар ва бошқа тараққиёт институтларининг минтақавий ташкилоти ҳисобланади. Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини АФИРАТО ва Миллий банкнинг уч йиллик ҳамкорлиги ҳам тасдиқлаб турибди — Ўзбекистон Миллий банки АФИРАТОнинг доимий аъзоси бўлиб, Уюшма Директорлар Кенгашининг аъзосидир.

(ЎзА).

Ватан манзаралари

НАВҚИРОН ЭЛЛИККҚАЛЪА

Март ойининг охирги кунлари эди. Текис асфальт йўл узра Элликқалъа томон кетаяпмиз. «Газ-31» машинада-жияним Жумабой. Эллик чақиримлик йўл атрофига кўз ташлаб бораман. Атроф майсазор, аксарият ерларда беда тўрт энлик чамаси ўсган. Яшнаб кўкараётган буғдойзорлар эса бедаларга нисбатан ўскинроқ. Баҳор шабадаси майин эсади.

Қишлоқлар кетидан қишлоқлар кўзга ташланади. Дил билан қурилган ихчам уйлар, аксарияти оқланган, атрофлари боғроғлар.

Атрофга назар ташлаб янгиликларни кўрар эканман, бир воқеа хаёлимда айлана бошлади. Янглишмасам, 60-йилларнинг бошлари эди. Нима сабабдандир Тўрткўл шаҳрига бориб қолдим. Шу атрофда бундан минг йиллар олдин ҳаёт гуллаб-яшнагани, ўз замонасига нисбатан бу ерлар катта тараққиёт маркази бўлганидан хабардор эдим. Ёзувчи Яннинг Хоразмшоҳлар даврида бу жойлар ер юзи жаннати эди, деб таърифлагани эсимга тушди. 1940 йилларнинг охирларида нашр қилиниб жаҳонга тарқалган А. Толстовнинг «Цивилизация древнего Хорезма» деган китобини ўқиб ҳайратланганим ҳали ҳам эсимда. Шу боисдан Тўрткўл атрофларидаги обиталарга бир назар ташлаш истаги бор эди менда. Бу истагимни Тўрткўл туман газетасининг муҳаррири вазифасида ишлаётган шогирдим Аллаберган Худойбергановга билдирдим. Эртасигаёқ эски «Виллис» машинасида йўлга тушдик. Сўқмоқларни сўқмоқларга уладик. Атроф бўм-бўш қир ва адирлардан иборат эди. Баъзи жойларда қум барханларини босиб ўтишга ҳам тўғри келди. Анча йўл босиб бир қалъа харобасига етиб бордик.

— Буни Гулдурсунқалъа дейдилар. Шу атрофдаги ўнлаб, юзлаб қалъа харобаларидан бири, — деб тушунтира кетди менга шогирдим. Қарийб ярим кун қалъани айландик. Унинг сирли қурилмаларини кўздан кечирдик. Аждодларимиз яратган бу қурилмаларни кўриб ҳайратларга тушган эдим ўшанда. Қалъа атрофида ҳаётдан нишона ҳам йўқ эди. Атрофда на бирор уй-жой, на бирор инсон кўринмайди. Мана энди манзара бутунлай бошқача. Йўлларда кўрган, қишлоғу боғ-роғлардек қалъа атрофи ҳам ўзлаштирилган. Ҳаёт бу ерда ҳам янгича қайнаётгани кўзга ташланиб турибди.

Бугун ўша ўнқир-чўнқир сўқмоқ йўллар ўрнида замон талабига жавоб берадиган равон асфальт йўл. Машина худди Тошкент кўчаларида кетаётгандек қилт этмасдан йўл босади. Бўстон шаҳрига етиб олиш учун яна 25-30 чақиримли масофани босиб ўтиш керак. Мен яна хаёлотга бериламан: Чингизхон истилосигача, балки ундан кейинроқ ҳам асрлар оша бу ерлар гуллаб-яшнаган. Дунёга донғи кетган шоир ва ёзувчилари бўлгани тарихдан маълум. Йирик-йирик санъаткору, ҳунармандлар иш юритган бу ерларда. Хаёлотим яна чуқурлашади: ёш Беруний бу ерларда отиз — чел ораламадимикин?! Кейинчалик ёш Беруний қўлида таёқ, қўй ва моллар кетидан чопиб юрмадимикин?! Бироз катта бўлгач ўзига лойиқ устоз топиб, китоб қўлтиқлаб дарсларга қатнамаганмикин?! Шу маънода, бу ерларда Беруний оёқ изларини кўраётгандек ҳис қилдим ўзимни. Устида совут, бир қўлида қалқон, иккинчи қўлида қилич — илк босқинчи Искандарга қарши курашга отланмаганмикинлар бу ерларга бир назар ташлаш истаги бор эди менда. Бу истагимни Тўрткўл туман газетасининг муҳаррири вазифасида ишлаётган шогирдим Аллаберган Худойбергановга билдирдим. Эртасигаёқ эски «Виллис» машинасида йўлга тушдик. Сўқмоқларни сўқмоқларга уладик. Атроф бўм-бўш қир ва адирлардан иборат эди. Баъзи жойларда қум барханларини босиб ўтишга ҳам тўғри келди. Анча йўл босиб бир қалъа харобасига етиб бордик.

— Буни Гулдурсунқалъа дейдилар. Шу атрофдаги ўнлаб, юзлаб қалъа харобаларидан бири, — деб тушунтира кетди менга шогирдим. Қарийб ярим кун қалъани айландик. Унинг сирли қурилмаларини кўздан кечирдик. Аждодларимиз яратган бу қурилмаларни кўриб ҳайратларга тушган эдим ўшанда. Қалъа атрофида ҳаётдан нишона ҳам йўқ эди. Атрофда на бирор ўлка қаҳрамонлари?! Тарих мени яна ўз қаърига чуқурроқ тортади. Минглаб теларга ёзилган «Авесто» матнлари шу ерда боқилган моллар терисига ёзилмаганмикин?!

Кўп ўтмасдан ёнларига қатъий тартиб билан дарахтлар экилган кенг кўчалар томон кириб бордик. Атрофда замонавий архитектура талабларига биноан қурилган иморатлар. Бу иморатлар бошқа шаҳарларда учраганидек, бирбирига ёпиштирилиб, зич қурилган эмас. Бамисоли ҳар бир бино алоҳида бир боғча саҳнига қурилгандек кўринади.

Жияним Жумабой машинани чиройлик, кўп қаватли иморатнинг олдида тўхтатди.

— Мана бу Элликқалъа тумани ҳокимининг маҳкамаси, — деди у.

Туман ҳокими Неъматилла Худойберганов билан қисқа учрашувдан кейин Бўстон аталмиш шаҳар кўриги бошланди.

Ҳоким худди тажрибали экскурсовод сингари Бўстон шаҳрининг асосий нуқталари билан мени таништирди. Шаҳарнинг марказида вилоят марказлари ҳавас қилса арзийдиган кўркам маданият уйи, унинг рўпарасида минглаб одамлар сиғадиган ўйингоҳ.

— Туман бўйича ўтказиладиган катта мусобақалару, тантаналар мана шу ерда ўтади, — деди у.

Шундан кейин ўзгача меъморлик кўринишида қурилган бир иморат олдида тўхтадик.

— Бу академик лицейимиз. Унда минтга яқин талабалар ўқийди. Саккиз ой давомида битказганмиз бу иморатни. Мен сизни шу ерда қолдираман. Булар сизни кўпдан бери кутишади. Талабалар йиғилган, суҳбат ўтказиб берасиз.

Лицей раҳбарияти олдинига мени бу ўқув юртининг шарт-шароитлари билан таништириб чиқди. Бу академик лицей марказдаги лицейлардан бирор жиҳатдан қолишмайди.

Махсус тайинланган залда суҳбат бошланди. Аудиторияда йиғилган талабаларнинг илмий муаммоларга қизиқишлари шу даражада эдики, мен икки соат вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолдим. Маърузанамо шаклда олиб борилган бу суҳбатдан кейин усти-устига саволлар ёғдирилди. Бу саволлардан ҳам талабаларнинг ўқишга, илмга чуқур қизиқишлари сезилиб турарди.

Бўстон шаҳрининг бошқа жиҳатлари билан ҳам қизиқдим. Алоҳида китоблари нашр қилинган шоир ва ёзувчилари бор экан туманнинг. Яна шу нарса маълум бўлдики, элликқалъаликлар баъзи бир вилоятлар журъат қилолмаган тадбирларга ҳам қўл урадилар. 2001 йили улар жаҳоннинг йириқ тарихчиларини йиғиб: «Умумдунё тарихи тизимида қадимий Хоразм цивилизациясининг ўрни» мавзуида симпозиум ўтказибди. Мен симпозиум материаллари билан қизиқдим. Улар менда чуқур таассурот қолдирди.

Яна шу нарса маълум бўлдики, бу ерга кўпгина олимлар, республикадаги довруқли ёзувчи ва санъаткорларнинг келиб, учрашувлар, баҳс ва мунозаралар ўтказишлари одат тусига кирган экан. Хусусан, ҳар йилнинг ёз ойларида қўшиқ-танлов байрами ўтказилар экан. Элликқалъа шоирларидан бири ўз шаҳрини шундай таърифлабди:

Ишда таянч-халқ
аталган тоғи бор,
Мисли кичик «Маъмун»
билимгоҳи бор.
Узуқдаги кўздир
санъат саройи,
Кўп ерларга етган донғи,
чиройи.
Ақчакўлда кўринади
хуш акси,
Ўтар бунда қўшиқ баҳси,
шеър баҳси.
Қад кўтарди баланд-
баланд бинолар,
Ярқирайди равон мармар
зиналар.

Аҳмад Матназаров достонидан олинган бу парчада асл ҳақиқат айтилган.

Ўзбекистон харитасида пайдо бўлган бу илғор туманнинг ва замонавий шаҳарнинг яратилиши ўз-ўзидан амалга ошган эмас. Тўрткўл ва Беруний туманларидан кўнгилли равишда жалб қилинган ва бу қийин қўриқни кўкаламзор далаларга айлантиришда жонбозлик кўрсатган қатор қаҳрамонлар сувсиз, ўтинчўпсиз чўлга бориб чодир ўрнатиб ёки ертўлаларда макон қуриб иш бошлагани, кимларнингдир камида 50 даража келадиган жазирама кунлари бульдозерларга ўтириб қум тепаликларни сургани, кимларнингдир қудратли тракторларни бошқариб, асрлар давомида сувсизликдан қотиб, метинга айланган ерга плуг солгани, кимлардир экскаваторларда янги каналлар қазгани бор гап. Бугун биз замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш хусусида баҳслар юритамиз. Менинг назаримда, бу ердаги ҳар бир меҳнат фидойиси замонамиз қаҳрамонларидир.

Бугун бу ерда янги 5 та коллеж ишга тушибди. Битта академик лицей филиали билан биргаликда иш бошлабди. Буларнинг ҳаммасида 31 минг ёш йигит-қиз касб-ҳунар ва билим сирларини эгаллаш билан банд. Бу йил Бўстон шаҳрида янги олий ўқув юрти ҳам очиларкан. Аниқроғи, шу йилдан бошлаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг филиали талабалар қабул қила бошлайди.

Икки кундан кейин яна Тўрткўл шаҳри томон йўл босар эканман, ўзимча хулоса қиламан. Элликқалъа деб аталмиш туман Бўстон даб аталган бу шаҳар бир вақтлар гуллаб-яшнаган ўлканинг янгидан туғилаётганининг эмасмикин?! Тарихдан маълум бўлган бор анъаналари-ю, сурҳатлари билан келажакка интилаётган ўлка эмасмикин бу?!

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
академик.
СУРАТЛАРДА: Бўстон академик лицейидан кўринишлар.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кеча Тошкентда Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида "Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусида илмий-амалий конференция иш бошлади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда агросаноат мажмуига кирувчи вазирлик, қўмита, уюшма раҳбарлари, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва Қозоғистондан таклиф этилган олимлар ҳамда журналистлар иштирок этмоқда.

Конференция аграр секторда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мўайян ютуқларга эришилгани, эндиликда ислоҳотлар эркинлаштириш босқичига кирганлиги, бу босқич вазифалари ҳам маълум қонун ва қоидалар асосида амалга оширилиши таъкидланди. Шу билан бирга, соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, таҳлиллар, илмий изланишлар, анкета сўровлари шуни кўрсатмоқдаки, назария амалиётдан бирмунча орқада қолмоқда. Шу боис тармоқдан кўзланган натижага эришиш қийин кечмоқда. Баъзи ҳолларда бошланган ишлар ниҳоясига етмай қолиб кетмоқда ёки самараси бўлмаётир. Бу, табиийки, аграр соҳа, қолаверса, умумиқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатяпти.

Айниқса, кадрларни танлашда ҳамон қонунбузарликка йўл қўйилмоқда. Мисол учун, ширкат хўжаликлари раҳбарларини олиб кўрайлик. Қонунда ширкат хўжалиги раиси уч йилдан кам бўлмаган муддатга умумий йиғилишда танлов асосида сайланади, дейилган. Аммо баъзи туманларда у бир йилда икки, ҳатто уч марта алмаштирилмоқда. Ачинарлиси, бугун айрим туманларда уч йилдан ортиқ ишлаётган раиси топиш қийин. Бош пудратчилар эса аста-секин илгариги бригадирга айланиб бормоқда. Ҳисобчилик штати ҳам жорий қилиниб, у табель тузиш, бажарган иш ҳажмини аниқлаш, одамларга меҳнат ҳақи ёзиш билан шуғулланяпти. Фермер хўжаликлари мисолида ҳам шундай ҳолларни учратиш мумкин.

Конференция бугун ўз ишини давом эттиради.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУГУНГИ КУН — ЭРТАНГИ ТАРИХ

«Архивлар тўғрисида» Қонун қабул қилинганига уч йил бўлди. Эндиликда мамлакатимизда архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартиби жорий қилинган. Хўш, жойларда ана шу Қонун ва унинг ижросига қаратилган республика Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича» 482-қарори қандай бажарилмоқда? Мухбиримиз шу ҳақда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архив бўлими мудири Абдурашид БЎТАЕВ билан суҳбатда бўлди.

– Архив соҳасига бу қадар катта эътибор берилаётганлигини ҳаққоний тарихни яратиш учун қилинаётган саъй-ҳаракат деб тушуниш лозим бўлади. Тўғрими?

– Ҳа. Истиқлол туфайли архивларга муносабат тубдан ўзгарди. Архивларнинг ҳуқуқий асоси бунёд этилди. Чунки ҳаққоний тарихни археологик ашёлар, қўлёзма ва бошқа биринчи манбалар қаторида архив ҳужжатларисиз яратиб бўлмайди. Шунинг учун архивларнинг ролини ошириш, четга чиқиб кетган тарихимизга оид ёзув, сурат, овоз ёзилган магнит тасма ва бошқа ноёб ҳужжатларни ўз эгаси – ўзбек халқига қайтариш соҳасида узоқни кўзлаб режали ишлар олиб борилмоқда.

– Абдурашид ака, архивлар тўғрисида махсус қонун қабул қилиниши, албатта, бу соҳадаги ишларни жаҳон андозасига тенглаштиришга олиб келади, деб ўйлайман.

– Ҳақиқатан ҳам, шундай. Маълумки, тарихимиз учун энг асосий ва ишончли манбалар архивларда сақланади. Шунинг учун ҳам барча ривожланган давлатларда архивларга катта эътибор берилади. Жумладан, АҚШ, Хитой ва Малайзияда архив иши юксак даражада ташкил этилган. Уларда барча архив ҳужжатларидаги ёзувлар компьютерлар хотирасига жойлаштирилган. Улардан жуда қисқа муддат ичида тегишли маълумотномаларни олиш мумкин. Асл нусхалари билан эса худди музей экспонатидек муомала қилинади. АҚШ Миллий архивининг бошлиғи сенат аъзоси бўлиши шарт. Шунинг ўзиёқ Америкада архивларга бўлган муносабат юқори даражада эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари АҚШда архивлардан ҳам бизнес қилинади, яъни Америкадаги барча энг йирик концерн, синдикат, трестларнинг ўз хусусий архивлари мавжуд бўлиб, уларда ўзлари шуғулланадиган соҳадаги барча технологик жараёнлар, ихтиролар, лойиҳа ва схемалар жуда махфийлаштирилган ҳолда сақланади.

Қонун ва ижро

Малайзияда ҳам архив иши жуда юқори даражада ташкил этилган. Бунга дунёдаги кўплаб давлатлар архившунослари ҳам иқрор бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ушбу давлат архившунослари тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича келишувга эришилган. Малайзия Миллий архивининг ташаббуси билан, ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг раҳнамолиги ва режасига кўра, 1995-2000 йиллар мобайнида архив иши бўйича икки ойлик малака оширувўқуви ташкил этилди. Унда вилоятимиздан Қарши тумани архиви директори Ж. Султонов, вилоят давлат архиви Шаҳрисабз филиали директори Р. Ўсаровлар қатнашдилар. Улар Малайзияда малака ошириб, бир олам таассуротлар билан қайтиб келишди.

Қонун қабул қилинганидан кейин вилоятимиз архив муассасаларида, «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини ўрганишга бағишланган ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Машғулотларда вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ идоралари, ижтимоий-таъминот муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, архивларнинг раҳбарлари ва мутахассислари қатнашдилар. Қонунда белгиланган ҳуқуқий-меъёрий асослар телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар, матбуотдаги чиқишлар орқали оммага етказилди.

Ҳозирги кунда вилоятдаги барча архивларда иш «Архивлар тўғрисида»ги Қонун, ҳукуматимизнинг қарорлари асосида ташкил этилган. Вилоят давлат архиви ва унинг филиалларида 3000 га яқин ташкилотларнинг тартибга келтирилган ҳужжатлари сақланмоқда.

– Архив соҳасида ҳам тадбиркорликка имконият борми?

– «Архивлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида давлат фонди ҳужжатлари давлат мулки эканлиги, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, олди-сотди билан шуғулланиш ёки мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин эмаслиги аниқ-равшан ёзиб қўйилган.

Суҳбатдош: Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ер юзида

воқеалар
рақамлар
тафсилотлар

«АЛ-ҚОИДА»НИНГ СИРЛИ ҚУРОЛИ»

Унинг исмини кўпчилик билмайди. Усома бин Лодин террорчилар орасида қанчалик нуфузга эга бўлса, у ҳам шунчалик машҳурдир. Айни кунларда эса у ҳақидаги бор маълумотлар аксарият давлатларнинг хавфсизлик хизматларига юборилган. Унинг қаердалигини айтган кишига 25 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот белгиланган.

Асли қувайтлик бўлган Холидшайх Муҳаммад АҚШ хавфсизлик хизмати томонидан бир неча йилдан буён қидирилмоқда. Яқин-яқингача бу террорчи Жаҳон савдо маркази биноси ёнида 1993 йили амалга оширилган портлашни ташкиллаштиришда гумон қилинаётганди. Бироқ CNN телекомпаниясининг маълумотига қараганда, АҚШ хавфсизлик хизматлари Холидшайх "Ал-Қоида"га бевосита алоқадор экани ва бу ташкилотнинг барча ёвуз қилмишлари мана шу кимса томонидан режалаштирилишини аниқлаган. Энг қизиғи эса, 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтондаги портлашлар ҳам бевосита шу террорчи томонидан уюштирилган ва унинг назорати остида амалга оширилган экан.

АҚШ изқуварларининг айтишича, 11 сентябрдан сўнг "Ал-Қоида"нинг сирли қуроли" деган номга сазовор бўлган Холидшайх ўша куни портлатилган самолётлардаги 19 нафар террорчининг банкдаги ҳисоб рақамларига пул ўтказиш билан шахсан ўзи шуғулланган. Бундан ташқари, турли мамлакатларда жангарилар учун мўлжалланган ҳарбий лагерлар тузиш, ташкилот сафига янги аъзоларни жалб қилиш, уларни ғоявий "қайта тайёрлаш" ҳам Холидшайхнинг зиммасида бўлган.

Усома бин Лодиннинг ҳозирги кунда АҚШ қамоқхоналаридан бирида сақланаётган яна бир маслакдоши Абу Зубайданинг айтишича, 11 сентябрь воқеаларида Усома бин Лодин айбланаётган бўлса-да, бу ҳунрезликларни режалаштириш ва амалга ошириш тўлалигича Холидшайхга юклатилган. АҚШ ҳудудига кириш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, террорчиларни самолёт бошқаришга ўргатиш, умуман барча тайёргарлик ишлари Холидшайх томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган.

Тергов жараёнида Абу Зубайда яна бир сирни ошкор этди.

Унинг айтишича, 11 сентябрь куни Жаҳон савдо маркази ҳамда Пентагонга урилган самолётларни қўлга олган террорчилар гаровга олинганлар билан бирга ҳалок бўлишини билмаган. Бир сўз билан айтганда, улар дин йўлида қурбон бўлишни хоҳламаган. Осон йўл билан пул топишни ўйлаб мана шу йўлга кирган. Террорчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул ўтказилиши ҳам бу фикрни тасдиқламоқда.

Бобур СОБИРОВ, ЎзА шарҳловчиси.

Террорчилар етакчиси ҳибсга олинди

Ҳиндистонда Кашмир террорчилар гуруҳининг етакчиси Сайёд Али Шоҳ Гилоний ҳибсга олинган. Полиция вакилининг айтишича, Гилоний террорчилик хуружларини амалга оширишда кўмаклашган ва маънавий қўллаб-қувватлаган. Яна у мамлакатдаги террорчилик ташкилотларига молиявий ёрдам ҳам кўрсатиб келган.

Янги ҳукумат тузилади

Фаластин ахборот вазири Ёсир Обид Раббонинг тарқатган хабарига қараганда, янги Фаластин Вазирлар маҳкамаси 21 кишидан иборат бўлади (аввалгиси 31 киши эди). Ушбу ўзгаришлар асосида, Ёсир Арофат янги ички ишлар вазирини ҳам тайинлаган. Бу лавозимни генерал Абдул-Раззоқ ал-Яҳё эгаллаган бўлиб, у эндиликда хавфсизлик хизматига ҳам раҳбарлик қилади.

Кўприк устида қўлга олинди

Швециянинг жанубида жойлашган Мальме шаҳрида террорчилик ташкилотлари билан алоқадорликда айбланаётган икки киши қўлга олинган. Шаҳар полицияси ҳозирча уларнинг исм ва миллати ҳақида ҳеч қандай маълумот тарқатмаган. Маълумотларга қараганда, бу икки киши Швеция билан Данияни боғлаб турувчи "Оресундсброн" кўпрўги устида қўлга туширилган.

Яна 12 жасад топилди

Жаҳон савдо марказининг вайроналарини тозалаш ишлари икки ҳафта аввал тугатилган эди. Бир неча кун илгари унинг яқинида жойлашган бинолардан бирида 11 сентябрь воқеалари оқибатида қурбон бўлганлардан яна 12 кишининг жасади топилган. Шаҳар ҳокимияти вакилининг айтишича, вайроналар остида яна жасадлар бўлиши мумкин.

Ҳамкорлик самара берди

Перуда британиялик ва америкалик олимларнинг ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари натижасида қадимий инк қабиласига тегишли бўлган шаҳарни топишга муваффақ бўлинган. Тадқиқотчилар водийнинг номидан келиб чиқиб, Кота Кока деб номлаган ушбу шаҳар бундан 400 йил аввал бунёд этилган, деб тахмин қилинмоқда. Олимлар бу ерда 30 га яқин яхши сақланиб қолган қурилиш биноларини топишган.

Хизмат пуллик бўлади

"Microsoft" компанияси ўзига қарашли "Hotmail" почта интернет хизматининг кўрсатилаётган баъзи хизматларидан фойдаланишни пуллик қилишни режалаштирган. Шу йил 16 июлдан бошлаб "POP3" протоколини қўллаб-қувватлаб турувчи серверлардан ўзининг эски почта қутиларига маълумотлар олишни хоҳлайдиганлар учун "MSN Extra Storage" хизмати таклиф қилинади. Унга обуна бўлиш, масалан, Буюк Британияда йилига 19,95 фунт стерлингни ташкил этади. Ушбу ҳақни тўлаганлар учун ўн мегабайтга эга бўлган почта қутилари берилади.

"Elise"га тенг келадиган борми?

"Lotus" компанияси "Elise" автомобилининг такомиллаштирилган иккита янги моделини яратган. Улар "Elise 111" ва "Elise 111s" деб номланган. Ушбу моделларга 160 от кучига эга бўлган янги 1,8 литрли двигателлар ўрнатилган бўлиб, атиги 5,1 сонияда машина соатига 100 километр тезликка эриша олади.

От ўрнини той босар

Иноятжон ёш бўлишига қарамасдан икки ҳунарнинг эгаси: ҳам мусиқа асбоблари таъмирчиси, ҳам яхшигина хонанда. Шунинг учун ҳам Хоразм вилоятида уни жуда яхши танишади. Ичонқалъага таниф буюрган одам борки, санъат музейига ўхшаб кетадиган устахонасига, албатта, кириб ўтади.

От ўрнини той босар деганларидек, Иноятжоннинг ўғли Муҳаммаджон ҳам ота касбига ҳавас қўйган. Ҳали мусиқа асбобларини бирма-бир ушлаб кўради, ҳали отасига қўшилиб чучук талаффуз билан хиргойи қилади.

СУРАТДА: санъатга шайдо ота-болалар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.

НАРА ТМ

Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.

Завод кафолати берилади.

Тўлов шаклн турлича.

Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

«ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ ЭШИТАДИ

ШУБҲАЛИ «ДАМАС» ИЗИДАН

Олинган тезкор маълумот асосида Сирдарё вилояти Сайхунобод туман давлат солиқ инспекцияси ва туман прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги рейд натижали тугади. Улар тезкор маълумотда шубҳали эканлиги айтилган давлат белгиси 11 А 6158 бўлган «Дамас» автомашинасини «Бекобод-Сирдарё» йўлидаги «Бўка» ДАН масканида ушлашди.

Ҳақиқатан ҳам, «Дамас» ҳайдовчиси Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи, бир пайтлар Саратов шаҳар милиция мактабини тамомлаган, ҳозир пенсияда бўлган фуқаро Камол Ҳожиев тезроқ уйга етиб олиб машинадаги спиртли ичимликларни пуллаш иштиёқида шошиб келаётган экан. Тезкор гуруҳ аъзолари унинг сафарини шу ерда қаритдилар.

Машина текширилганида Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикасининг акциз маркаси билан маркаланмаган ҳар донаси 900 сўм бўлган 1186 шиша, жами бир миллион 67 минг сўмлик ҳужжатсиз «Пшеничная водка» спиртли ичимлиги чиқди. Тўпланган ашёлар асосида тижоратчи Камол Ҳожиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Туман солиқчилари ва туман прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳамкорликда яна бир ноқонуний хатти-ҳаракатга чек қўйдилар. Уларнинг ҳушёрлиги билан Сайхунобод туман А. Темур номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро Яхшибой Шодмоновнинг қўлбола ёғ цехи ўз фаолиятини тўхтатди.

Текширув ўтказилган куни Яхшибойнинг 3 тонна чигитни жиноий йўл билан қўлга киритиб, ундан истеъмолга яроқсиз пахта ёғи ишлаб чиқараётганлиги тасдиқланди. Яширин цехдан 600 килограмм кунжара, 190 литр ёғ, мойжувоз ускунаси ва бошқа хил жиҳозлар олиниб вақтинча сақлаш учун туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти омборига топширилди. Тадбиркорликнинг таъқиқланган тури билан шуғулланиб ҳамқишлоқлар саломатлигига зомин бўлган Я. Шодмоновга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди.

Бўка туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Бўка шаҳрида истиқомат қилувчи Роҳат Абдуллаев хонадонида ташкил этилган макарон маҳсулоти ишлаб чиқарувчи қўлбола цех фаолиятига ҳам чек қўйдилар. Яширин цех санитария қоидаларига зид эди. Турли навли унлар аралаш-қуралаш қорилари. Маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам йўқ эди.

Текширув давомида 680 килограмм ун, 240 килограмм тайёр маҳсулот ва макарон ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар далилий ашё сифатида олиниб, тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди.

Туман солиқчилари шаҳарда ўтказган тунги тадбирларнинг бирида эса яширин ёғ цехи фош этилди. Маълум бўлишича, фуқаро Гулноза Худоёрова ўз хонадонида ташкил этилган қўлбола ёғ цехида ўғирлик йўли билан олиб келинган чигитдан пахта ёғи ишлаб чиқариб сотаётган экан. Текширув ўтказилган куни цехдан 140 килограмм чигит, 90 килограмм кунжара, 30 килограмм фильтрланмаган ёғ ва мойжувоз анжомлари далилий ашё сифатида олинди.

«Ишонч» телефонига тушаётган тезкор маълумотлар асосида ўтказилаётган рейд ва текширувлар давомида бир қанча қонунбузарлик ҳолатлари барҳам топаяпти. Камчиликларга муросасиз фуқаролар ўзлари кўрган ва билган қонунбузарликлар ҳақида солиқ хизмати ходимларини хабардор қилиб бормоқдалар. Ҳар бир маълумот ҳисобга олиниб, уларнинг қанчалик ҳаққонийлигини аниқлаш юзасидан тезкор текширувлар ўтказилмоқда. Шундай текширувларнинг бири яқинда Янгийўл шаҳрида бўлди. Унда зангиоталик сохта тадбиркор Ҳасан Раҳматов А. Олимжонов кўчасида хуфя жойни топиб олиб музқаймоқ тайёрлаб сотаётганлиги тасдиқланди. Қўлбола цех рўйхатдан ўтказилмаган, санитария талабларига жавоб бермас эди. Савдога чиқарилган музқаймоқ йўқлама қилинганида 1 миллион 108,6 минг сўмлик чиқди. 13,7 минг сўм савдо пули ҳам шу ерда сақланаётган эди. Бу ҳақда тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун дарҳол Янгийўл шаҳар прокуратурасига юборилди. Ҳозир терговолди ишлари олиб борилмоқда.

Солиқ хизмати ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашда кенг жамоатчиликка таянади.

Эслатиб ўтамиз, Давлат солиқ қўмитасида ўрнатилган 144-99-98, 144-99-22, 144-97-16, 144-98-60, 144-97-15 рақамли «Ишонч» телефонлари куну-тун ишлаб турибди. Бу телефонлар орқали фақат солиқ тўловчилар ўртасида эмас, айни пайтда солиқ хизмати ходимлари ўртасида ҳам содир этилаётган айрим қонунбузарликлар ҳақида бизга маълумотлар бериб боришингиз мумкин. Олинган маълумотларнинг бирортаси ҳам текширувсиз қолмайди.

Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссангизни қўшинг!

Жасур НОСИРОВ, матбуот хизмати бош мутахассиси.

Йўловчилар диққатига!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ»

УНИТАР КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига шуни маълум қиладики, поездлар ҳаракат жадвали ёзги вақтга ўтиши муносабати билан

Тошкент-Москва-Тошкент

йўналишидаги № 5/6 поездлар қуйидаги жадвал бўйича юради:

ЖЎНАБ КЕТИШИ:
Тошкентдан — соат 19.45да ҳар якшанба, сешанба, чоршанба ва жума кунлари.
Москвадан — соат 23.16да ҳар чоршанба, жума, шанба, душанба кунлари.

КЕЛИШИ:
Москвага — соат 15.10да чоршанба, жума, шанба, якшанба кунлари.
Тошкентга — соат 18.00да шанба, душанба, сешанба, пайшанба кунлари.

Юқорида кўрсатилган поездларга чипталарни Мовароуннаҳр кўчаси, 51-уйда жойлашган Темир йўл агентлигида 20 кун олдиндан бошлаб, поезд кетишигача харид қилишингиз мумкин.

Йўловчи ўзи билан бошқа йўловчиларга ҳалақит бермайдиган ҳажмдаги, оғирлиги 36 кг. бўлган шахсий буюмларни бепул олиб кетиши мумкин.

Сизга оқ йўл тилаймиз!

«ЛЕМЕРР ХАТОСИ КЕЧИРИЛМАЙДИ»

Франция матбуоти мамлакат терма жамоаси муваффақиятсизлигини худди шундай баҳоламоқда

Яна уч кундан сўнг Япония ва Жанубий Кореяда давом этаётган футбол бўйича XVII жаҳон биринчилигининг гуруҳ баҳслари ўз интиҳосини топади. Ҳозирча Испания, Бразилия, Сенегал, Германия, Камерун, Швеция, Англия, Мексика, Италия ва Япония терма жамоалари чемпионатнинг 1/8 финалига чиқиш ташвишидан қутулгандай кўринишади. Демак, бир-биридан қизиқарли ўйинларнинг ҳаммаси ҳали олдинда.

Инамото: — *Бу ҳали бошланиши, холос!*

Очиғи, ушбу жаҳон биринчилиги баҳсларида кутилганидан кўра кутилмаган натижалар қайд этилаётгани кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Айниқса, сўнгги жаҳон ва Европа чемпионати тождори ҳисобланган француз футболчиларининг ўтказган ҳар икки ўйинда рақиб дарвозасига бирорта ҳам тўп кирита олмаганлиги ёки сара футбол юлдузларидан иборат португалияликлари АҚШ терма жамоаси «тўхтатиб» қолганлигини тасаввурга сиғдириш қийин. Тўғри, дастлаб довруғи достон французларнинг ушбу муваффақиятсизлиги сабаби биргина футбол юлдузи Зиданнинг майдонга тушолмаганлиги билан баҳоланган эди. Хўш, аслида ҳам шундаймикин? Франция матбуоти мамлакат терма жамоасини «оғиз»га тушишида бош мураббий айбдор эканлигини бот-бот эслатиб, «Лемеррнинг хатоси кечирилмайди», дея кескин фикр билдирмоқда. Тўғри, бу билан французларнинг кўп йиллар давомида мисқоллаб йиғган шон-шуҳрати ўз интиҳосини топди дейиш қийин. Чунки, футболда «тўп юмалоқ, майдон текис», деган ибора бор.

Француз мураббийлари ҳақида гап кетганда, Филипп Труссьенинг номи ҳам алоҳида жаранглайдиган бўлди. У ҳозирда Япония терма жамоасига устозлик қилмоқда. Куни кеча япон «самурай»ларини рус футболчилари устидан қозонган ғалабасидан сўнг Труссьенинг қувончи еру кўкка сиғмаганлигини ўзи ҳам яшириб ўтирмади. Ҳатто у ушбу ғалабадан ҳаволанибми «энди японларнинг финалгача йўли очилди» дея башорат ҳам қилди. Бироқ энг ачинарлиси, Япония-Россия терма жамоаларининг ушбу ўйинидан сўнг XVII жаҳон биринчилиги тарихида қонли воқеа юз берди. Ўз ҳамюртлари ўйинларини катта экранда томоша қилиш учун Москвадаги Манеж майдонига чиққан россияликлар мағлубият аламига дош беролмадилар. Ўйиндан сўнг юз берган тўқнашув натижасида икки киши ҳалок бўлди. 50 нафар футбол «фанат»лари оғир тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Кеча эса «Д» ва «Н» гуруҳларида иккинчи тур ўйинлари ўтказилди. Унда Жанубий Корея футболчилари «сеҳрли диёр» спортчилари билан дурангга (1:1) келишган бўлсалар, худди шундай ҳисоб Бельгия ва Тунис командалари ўртасидаги учрашувда ҳам қайд этилди. Португалия ва Польша терма жамоалари ўртасидаги учрашув 4:0 ҳисобида якун топди. Кўриб турганингиздек, америкалик футболчилар ҳам Осиёга саёҳат учун келмаганликларини ўз ўйинлари билан исботлашмоқда. Улар чемпионатнинг навбатдаги босқичида ҳам «сенсация» муаллифи бўлишлари мумкин. Бизнингча, мабодо бу ҳол юз бермаганда ҳам уларни кутиб турмоқ жоиз. Чунки америкаликлар барибир яқин келажакда бунга эришишади. Осиё майдонларида «ижро» этаётган гўзал ўйинлари бунга қатъий ишонч уйғотади.

— *Нимагадир хаёлим жойига тушмаяпти...*

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Фурқат ЧОРИ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.



ШТЕФФИ ГРАФНИНГ ҒАЙРАТЛИ ИЗДОШЛАРИ

кеча улар иштирокида пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортида «Tashkent open» халқаро турнири тантанали очилди

Ҳа, юртимиз теннис ихлосмандлари учун яна ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Улар роппа-роса бир ҳафта мобайнида Уимблдоннинг ўтлоқ корти, Флориданинг Палм-Бич майсаларида теннис «ҳадиси»ни олиб, довруқ қозонган жаҳоннинг энг сара теннисчи аёллари «ижроси»даги гўзал ўйинларнинг шоҳиди бўлишади.

Айни пайтда теннис мутахассислари еттинчи бор ўтказилаётган «Tashkent open» халқаро турнирини ҳар галгидан ҳам қизиқарлироқ ўтишини бот-бот эслатишмоқда. Аслида бу бор гап. Негаки, ушбу турнирда ўйинлари чегара билмас швейцариялик Мари-Гаяне Микаэлян, эндигина 23 ёшга тўлган белоруслик Татьяна Пучек, Европа кортларида шуҳрат қозонган италиялик Татьяна Гарбин ва дунёнинг биринчи ракетка соҳиби Марат Сафиннинг синглиси Динара Сафина каби қўплаб теннис маликалари иштирок этишади. Табиийки, ўйинлар ҳам шунга яраша бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур халқаро турнир йилдан-йилга юксалиш пиллапояларидан кўтарила бориб, қисқа фурсат ичида WTA Tour мусобақалари қаторига қўшилди. Хўш, бу нима дегани? Гап шундаки, WTA — Аёллар теннис ассоциацияси сифатида 1973 йил Лондонда 62 нафар теннисчи иштирокида ташкил этилган. Орадан 21 йил ўтиб аёллар теннисининг дунёдаги барча тизими WTA Tour ташкилотига бирлаштирилди. Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида бошланган «Tashkent open» мусобақаси WTA таснифида тўртинчи даражали турнир ҳисобланади. Бундай нуфузли мусобақалар дунёнинг бор-йўғи 10 га яқин давлатидагина ўтказилади, холос.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги турнирнинг мукофот жамғармаси 140 минг АҚШ долларини ташкил этади. Айни кўрсаткич ўтган биринчи турнир (1996 й.) мукофот жамғармасидан қарийб беш марта кўпроқдир. Агар 1996 йилда 166 рақамдаги Украина теннисчиси Елена Татаркова рўйхат бошида турган бўлса, бу галги турнирда эса ҳаттто дунё тенниси юлдузлари ҳисобланган Венус ва Серена Вильямсларга қарши муносиб ўйин кўрсатиш қудратига эга бўлган италиялик Мари-Гаяне Микаэлян ўз сўзини айтишга шай турибди.

Шу ўринда теннис ихлосмандлари эътиборини яна бир жиҳатга қаратмоқчи эдик. Хабарларга қараганда, WTAнинг рейтинг варағида ишонч билан кўтарилиб бораётган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова Венадаги 170 минг доллар соврин жамғармасига эга бўлган турнирда иштирок этаётганлиги сабабли «Tashkent open» мусобақаларида қатнаша олмаяпти. Ёдингизда бўлса, ўтган йилги Вена турнирида Ирода бош совринни қўлга киритган эди. Бироқ SANEX WTA Tour низомига кўра, ҳамюртимиз ўтган йилги ғолиблигини яна бир бор айнан ўша турнирда кўрсатиши шарт. Акс ҳолда Ирода эришган кўпгина очколардан маҳрум бўлиб, айни пайтда WTA рейтингидаги 18-ўриндан анча пастга тушиб кетиши мумкин. Шу боис Осиёда қизлар ўртасида биринчи ракетка соҳибаси Вена турнирини танлашга мажбур бўлди. Бироқ «Tashkent open» турнирида Ироданинг содиқ издошлари И.Исроилова ва А.Аманмуродовалар ўз ўйинлари билан мухлисларимизни зериктирмайди, деган умиддамиз.

Энди биз хотима ўрнида мазкур турнирнинг ғолиблигига асстойдил даъвогарлик қилаётган белоруслик теннисчи (суратда) Татьяна Пучек хусусида қисқача тўхталишни жоиз топдик. Маълумки, Татьяна ўтган йилги турнирда ҳам пойтахтимиз кортларида ўз кучига қаттиқ ишонишини намойиш қилган эди. Бу йил 23 ёшли теннисчи учун ҳар доимгидан ҳам омадли келди. Дастлаб у Окленда бўлиб ўтган турнирда чорак финалгача етиб борди. Жуфтлик баҳсларида эса у россиялик Татьяна Панова билан ярим финалгача бўлган барча рақибларини мағлуб этди. Татьяна 1994 йилдан буён Нью-Йоркда яшаб, Бруклин теннис клубида ўз маҳоратини оширмоқда.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи мухбири.
Н.МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

«МУСАВВИР» — ГЕРМАНИЯДА

ГФРнинг Штутгарт шаҳридаги "Линденмузеум" давлат этнография музейида Ўзбекистон ва Германия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўн йиллигига бағишланган "Ўзбек халқ амалий санъати" кўргазмаси очилди.

Кўргазмада "Мусаввир" илмий ишлаб чиқариш маркази ижодкорлари фаол иштирок этмоқда. Зеб-зийнат, либос, курси, қутича, лавҳ каби халқимизнинг асл амалий санъати намуналари хорижликларда катта қизиқиш уйғотаётир. Наққош Тоҳир Икромов, заргар Фасиҳиддин Дадамуҳамедов, лок миниатюраси устаси Асад Йўлдошев, чарм устаси Суннат Пўлатов ўз маҳоратини томошабинлар кўз ўнгида намойиш этмоқда.

Миллий маданиятимиз, санъатимизни кенг тарғиб этаётган бу тадбир 29 сентябргача давом этади. Шу боис ҳозир "Мусаввир" ижодкорларининг янги гуруҳи унга ўз маҳсулотларини тақдим этиш учун жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га эълонлар қабул қилинади.

с 9.00 дан 18.00 гача
Тел. факс: 136-09-25, 132-10-63
256 хона

Loan No. 1737 – UZB
Senior Secondary Education Project

Center for Senior Secondary Professional Education of the Ministry of Higher and Secondary Specialized Education of the Republic of Uzbekistan has honor to invite English language training providers to submit a bid for the following

"INTENSIVE ENGLISH LANGUAGE TRAINING COURSES"

By the end of the courses:
- *A group of 8 participants will require to reach a written and spoken competence standard in English language to cope with a full-time Masters degree course at an overseas university;*
- *A group f 25 partici pants must reach the necessary competence standard in English to cope with a three-month overseas study program;*
- *A group of 40 partici pants must master essential written and spoken knowledge of English language.*

The courses are to be conducted at the building of the Institute for Development of Senior Secondary Professional Education (Pushkin street, 7) and at the Center for Senior Secondary Professional Education (Mustakillik square, 5).

English language training providers are asked to submit the following:
- *Details of the methodology they will use for training;*
- *Detailed program of activities;*
- *Methods of interim assessment and final testing;*
- *Details of resources to be utilized;*
- *C.V.(s) of trainers;*

Proposals should be submitted within 15 days from this announcement.

Bidders can submit their own proposals and receive further information by the following address: 700078, Tashkent, Mustakillik square, 5. Center for Senior Secondary Professional Education Rooms No. 1208 or 1210. Tel./fax: (998 71) 139 16 06 or 139 16 21 E-mail: piu_ssep@bcc.com.uz

5886-1/1146

Кредит № 1737 – ЎЗБ
Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими лойиҳаси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази инглиз тили ўқув курсларини тақдим қилувчи ташкилотларни қуйидаги

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ТЕЗКОР УСЛУБДА ЎРГАТИШ

бўйича тендерга таклиф қилади.

Курсларнинг якунида:
- *8 кишидан иборат гуруҳ чет эл университетида магистрлик унвонини олиш учун ўқишга етарли даражада инглиз тилидан ёзма ва оғзаки кўникмаларга эга бўлиши шарт;*
- *25 кишидан иборат гуруҳ чет элда малака ошириш дастури бўйича 3 ой давомида ўқиш учун етарли даражада инглиз тилидан кўникмага эга бўлиши шарт;*
- *40 кишидан иборат гуруҳ инглиз тилидан асосий билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.*

Ушбу курслар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти (Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 7-уй)да ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5-уй)да олиб борилади.

Инглиз тили ўқув курсларини таклиф этувчи ташкилотлардан қуйидагилар талаб қилинади:
- *ўқитув услубларини батафсил баён этиш;*
- *тезкор курсларни олиб боришнинг батафсил режасини тақдим қилиш;*
- *оралиқ баҳолаш ва якуний имтиҳон олиш услубларини тақдим этиш;*
- *курсларни олиб бориш учун керак бўлган ресурсларни аниқлаш;*
- *ўқув жараёнида иштирок этиши мўлжалланган ўқитувчиларнинг таржимаи ҳоллари;*
- *курсларни тақдим этиш қийматларининг муфассал баёни.*

Тиклов бўйича таклифлар эълон чоп этилишидан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.

Манфаатдор ташкилотлар қуйидаги манзил бўйича қўшимча маълумот олишлари мумкин: 700078, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, 1208 ёки 1210-хона. Тел./факс: (998 71) 139-16-06 ёки 139-16-21. E-mail: piu_ssep@bcc.com.uz

5886/1146

AMERICAN BAR ASSOCIATION
CENTRAL AND EAST EUROPEAN LAW INITIATIVE

VACANCY ANNOUNCEMENT

The American Bar Association's Central and East European Law Initiative seeks an experienced program coordinator/administrative assistant for immediate hire in its Tashkent office.

The successful candidate must have:
- *A minimum of five years experience as an administrative assistant, program coordinator, or office manager for an international organization or similar international office*
- *Trilingual (working level fluency) in Uzbek, Russian, and English; Uzbek and Russian oral translation essential.*
- *Outstanding organizational skills and ability to execute multiple and varied tasks under tight deadlines*
- *Outstanding interpersonal and diplomatic skills, with proven ability to foster a team-oriented work environment*
- *Demonstrated ability to respond to and deal effectively with diverse situations which require good judgment, tact, and diplomacy*
- *Experience supervising an office staff, with strong communication and delegation skills*
- *Financial management experience, including bookkeeping/tracking of expenditures*
- *Ability to work at times for extended and unpredictable hours and to travel periodically*
- *Exhibited energy and enthusiasm*
- *A sense of humor*

The ideal candidate also will have:
- *Legal education background or legal work experience*
- *Experience working with the international donor community in Uzbekistan*

Please send a cover letter and curriculum vitae via fax to 152-65-50 or via email to indira@abaceeli.uz before the closing date of June21, 2002.
Telephone inquiries will not be accepted.

5910/1209

САВОЛ БИЗДАН...

53 та мустақил давлат жойлашган қитъанинг номини айтинг.

136-35-60

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
ХОРВАТИЯ

Бу ҳақда тошкентлик Ф.Эшонхўжаев ҳамда Ҳ.Исаев хабар беришди.

«Халқ сўзи» газетаси жамоаси таҳририят ходими Маҳбуба Исмоиловага падари бузруквори, уруш ва меҳнат фахрийси **Фаттоҳхон ИСМОИЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Марказий банк жамоаси Республика инкассация бирлашмасининг собиқ бош директори, Сирғали ўқув маркази мажмуаси директори **Боқи ҲАЛИЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси жамоаси Бухоро вилояти филиали директори Аҳмад Ҳалимовга волидаси **Ҳулоса ая ҲАЛИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи Гулчеҳра Ибрагимовага волидаи муҳтарамаси **РАФИҚА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика байналмилал маданият маркази жамоаси директор ўринбосари М.Нурматовага ўғли **ЖАВЛОНБЕКнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Нурматов ва фалсафа фанлари номзоди Муножатхон Нурматовага фарзанди **ЖАВЛОНБЕКнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор **Мираҳмад АБДУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6